ZAMIN EKO AGRO

Муваффақият уруғларини экинг

NS seme®

zea

КАТАЛОГ 2020

www.zea.uz 97 130-51-21, 97 739-82-52, 97 755-02-55 info@zea.uz

Дала ва сабзавотчилик Институти - NS SEME

1938 йилда Югославия қироллиги қишлоқ хўжалиги қарори билан ташкил этилган. Аввало Нови Сад шахрида Қишлоқ хўжалиги ва назорати станцияси ташкил этилиб, кейинчалик олимлар ва мутахассислар томонидан эришилган илмий ютуқлар натижасида, бугунда мавжуд Институтга айланган. Қишлоқ хўжалиги соҳасида, Институт томонидан амалга оширилган муваффақиятли ишлар ва ижобий натижалар, Институтни дунё илм-фан сохасида муҳим ўрин эгаллашига хизмат қилди.

Институтнинг фундаментал ва амалий тадқиқотлари донли, бошоқли, мойли, дуккакли, сабзавот, озука, доривор, зиравор ва саноат экинларининг кучли хосил потенциалига эга, нав ва дурагайларини яратишга қаратилган. Селекция соҳасида асосий эътибор, юқори хосилдорлик ва сифатлилик, шунингдек биотик ва абиотик стрессларга чидамлиликка қаратилган. Шу кунгача Институтда 1000 дан ортиқ нав ва дурагайлар яратилган бўлиб, уларнинг 500 дан ортиғи хорижий давлатларда рўйхатга олинган. Эркин бозор ва кучли рақобат шароитида, Институт нав ва дурагайлари дунёнинг Аргентина, Европа иттифоқи, Украина, Россия, Марказий Осиё, Африка давлатлари, Хитой, Хиндистон, Эрон каби 50 дан ортиқ давлатларида етиштирилади.

Институт Сербия Республикасининг Илм-фан ва Табиатни Мухофаза Қилиш Вазирлигига бўйсунувчи, давлат ташкилоти хисобланиб, бугунги кунда кўп сонли илмий лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Институт ўсимликлар селекцияси ва бошқа қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

«ZAMIN EKO AGRO» компанияси уруғчилик соҳасида тажрибали мутахассислар томонидан таъсис этилган бўлиб, ўз эътиборини мамлакатимиз уруғчилиги соҳасида илғор ютуқлар ва инновацион янгиликларни тадбиқ этишга қаратган. Фаолиятининг асосий йўналишини маккажўхори, кунгабоқар, соя, беда, хашаки ва қанд лавлаги, буғдой, арпа, жавдар, сули, сорго, рапс, тритикале каби, донли ва озука экинларининг уруғларини етиштириш ташкил этади. Ушбу корхона Сербия давлатининг уруғчилик соҳасида 80 йиллик тажриба, дунёнинг 50 дан ортиқ давлатларида ўзининг серхосил нав ва дурагайлари билан муносиб ўринга эга «Дала ва сабзавот экинлари илмий институти» NSSEME компаниясининг Ўзбекистондаги расмий дистрибьюторидир. «ZAMIN EKO AGRO», юртимиз деҳқонларини юқори сифатли, рақобатбардош, серхосил уруғлар билан бир қаторда, мавсум давомида зарур бўладиган маълумотлар билан хам таъминлаб боради.

ИНСТИТУТ БУГУНГИ КУНДА:

- Турли қ/х экинлари уруғларини қайта ишловчи 5 та завод.
- 8500 тонна сиғимли уруғ тақсимлаш маркази
- 13 та бўлим
- 550 илмий ходим
- 100 тадқиқотчи
- 70 та профессор фаолият кўрсатади

ТАШКИЛОТ ВА БОШКАРУВ

Илмий – тадқиқот бўлимлари:

- Бошоқли экинлар бўлими
- Маккажўхори бўлими
- Қанд лавлаги бўлими
- Мойли экинлар бўлими
- Озуқа ўсимликлари бўлими
- Сабзавотчилик бўлими
- Соя бўлими
- Микробиология препаратлари
- Агроэкология ва тупроқ тадқиқоти лабораторияси;
- Уруғларни синаш лабораторияси;
- Альтернатив экинлар;
- Биотехнология бўлими;
- Маъмуриятдан иборат

Эрта ва ўрта-эртапишар дурагайлар:

ФАО 200-300:

NS 205, NS 3023

Кечпишар дурагайлар, дон ва силос йўналиши: ФАО 500-700:

NS 5010, NS 6010, NS 6030, NS 6043 NS 6140, NS 770

NS 205

ФАО 200

NS 205 F1.

Вегетация даври 90 кун. Бошоқли экинлардан сўнг дон ва силос учун экишга яроқли.

Хосилдорлиги: Қуруқ дони 10 т/га.дан ортиқ. Силос массаси 40 т/га. дан ортиқ. Қурғоқчиликка чидамли.

Пояси: эластик, йиқилиш ва синишга чидамли. Поя узунлиги 260 см

Хосил белгилари: Сўтаси цилиндр шаклида. Донлар қаторининг сони 14 -16, сариқ-қизғиш рангда. Дони тишсимон. 1000 дона уруғ вазни 300 гр.

1 га экиш нормаси 70 000 дона уруғ. Силос учун экилганда 15-20% кўпрок уруғ сарфлаш тавсия этилади.

NS 3023

ФАО 300

NS 3023 F1. NS SEME/Сербия

Ўртапишар гибрид. 100-105 кунда етилади. Дон ва силос учун экишга яроқли. Гибриднинг қурғоқчилик ҳамда барг, поя ва сўта касалликларини қўзғатувчиларига чидамлилиги юқори.

Ҳосилдорлигининг генетик потенциали: қуруқ дони 15 т/га. дан ортиқ. Силос массаси 50т/га. дан ортиқ. Қурғоқчиликка чидамли.

Пояси: ўз группасига нисбатан ўртача баландликда, 270 см, бақувват ва эластик, йиқилишга чидамли. Донлар тўлиқ етилганида ҳам барглари яшил рангда сақланади (stay green).

Сўтаси цилиндр шаклида. Дони сариқ-қизғиш рангда. Дони тишсимон. 1 га экиш нормаси 70 000 дона Силос учун 15-20% кўпроқ уруғ сарфланади.

Юкори хосил потенциали

Намлигини тез йўкотади

Қургоқчилик ва иссиққа чидамли

МАККАЖЎХОРИ

Юкори хосил потенциали

Намлигини ўртача йуқотади

Қурғоқчилик ва иссиқка чидамли

МАККАЖЎХОРИ

NS 6030

FAO 660

NS 6030 F1.

Вегетация даври 120-125 кун. Дон ва силос учун экишга мўлжалланган.

Хосилдорлигининг генетик потенциали 17 т/га.дан ортиқ. Қурғоқчиликка чидамли. Пояси: эластик, йиқилиш ва синишга чидамли. Поя узунлиги ўртача 280 см.

Хосил белгилари: сўтаси узун цилиндр шаклида. Донлар қаторининг сони 16, сариқ-қизғиш рангда. Дони тишсимон. 1000 дона уруғ вазни 400 гр. дан ортиқ.1 га экиш нормаси 55-70 000 дона уруғ. Силос учун 15-20% кўпроқ уруғ сарфланади.

NS 6010

FAO 690

NS 6010 F1.

Вегетация даври 120-125 кун. Асосан дон учун, силос учун экишга хам яроқли.

Хосилдорлигининг генетик потенциали 18 т/га.дан ортиқ. Силос массаси 60 т/га. дан ортиқ. Қурғоқчиликка чидамли.

Пояси: эластик, йиқилиш ва синишга чидамли. Поя узунлиги ўртача 300 см.

Хосил белгилари: сўтаси узун цилиндр шаклида. Донлар қаторининг сони 16, сариқ-қизғиш рангда. Дони тишсимон. 1000 дона уруғ вазни 400 гр. дан ортиқ.

1 га экиш нормаси 55-70 000 дона уруғ. Силос учун экилганда 15-20% кўпрок уруғ сарфлаш тавсия этилади.

МАККАЖЎХОРИ

NS 5010

FAO 550

NS 5010 F1.

Вегетация даври 110 кун. Силос йўналишида, дон учун экилса хам бўлади.

Хосилдорлигининг генетик потенциали 15 т/га.дан ортиқ. Силос массаси 70 т/га. дан ортиқ. Қурғоқчиликка чидамли. Пояси: Баланд, эластик, йиқилишга чидамли. Пояси ўртача 300-350 см.

Хосил белгилари: сўтаси цилиндр шаклида. Донлар қаторининг сони 16, сариқ-қизғиш рангда. Дони тишсимон, йирик.

Силос учун экилганда 15-20% кўпрок уруғ сарфлаш тавсия этилади.

NS 6043

ФАО 680

NS 6043 F1.

Вегетация даври 120-125 кун. Силос йўналишида, дон учун экилса хам бўлади.

Хосилдорлигининг генетик потенциали 16 т/га.дан ортиқ. Силос массаси 70 т/га.дан ортиқ. Қурғоқчиликка чидамли.

Пояси: Баланд, эластик, йиқилишга чидамли. Пояси ўртача 330-350 см.

Хосил белгилари: сўтаси узун цилиндр шаклида. Донлар қаторининг сони 16, сариқ-қизғиш рангда. Дони тишсимон. йирик. Таркиби: протеин - 5.1%, лигнин - 3.2%, хазм бўлиши - 66.4%.

Юкори хосил потенциали

Намлигини ўртача йўкотади

Кургокчилик ва иссиккa чидамли

МАККАЖЎХОРИ

Юқори хосил потенциали

Намлигини ўртача йўқотади

Қурғоқчилик ва иссиққа чидамли

NS 6140

FAO 650

Ўрта-кечпишар гибрид, 120-125 кунда етилади. Дон ва силос учун экишга яроқли. Гибриднинг қурғоқчилик ҳамда барг, поя ва сўта касалликларини қўзғатувчиларига чидамлилиги юқори.

Ҳосилдорлиги: қуруқ дони 17 т/га.дан ортиқ. Силос массаси 60 т/га.дан ортиқ. Қурғоқчиликка чидамли.

Пояси: ўз группасига нисбатан ўртача баландликда, бақувват ва эластик, йиқилишга чидамли. Донлар тўлиқ етилганида ҳам барглари яшил рангда сақланади. Сўтаси цилиндр шаклида, ўртача узунликда - 25 см. Донлар қаторининг сони 16-18, сариқ-қизғиш рангда. Дони тишсимон. 1000 дона уруғ оғирлиги 400 г. 1га экиш нормаси 55 000 - 65 000 дона.

NS 770

FAO 700

Кечпишар гибрид 130 кунда етилади. Дон ва силос учун экишга яроқли.

Ҳосилдорлиги: қуруқ дони 17 т/га.дан ортиқ. Силос массаси 70 т/га.дан ортиқ. Қурғоқчиликка чидамли. Маккажўхорининг асосий касалликларига чидамлилиги юқори: Ustilago maydis, Helminthosporium spp. і Fusarium spp.

Пояси: эластик, йиқилиш ва синишга чидамли.
Ҳосил белгилари: Сўтаси цилиндр шаклида, Донлар қаторининг сони 16-18, сариқ рангда. Дони тишсимон. 1000 дона уруғ оғирлиги 400 гр. Экиш схемаси 90*20, 70*25, 60*30. 1га экиш нормаси 50 000 - 65 000 дона, силос учун экилганда 5000-10000 дона уруғ кўпроқ сарфланади.

МОЙЛИ ЭКИНЛАРНИНГ СЕРХОСИЛ УРУҒЛАРИ

Эртапишар дурагайлар, кунгабоқар мойи олиш учун: **Дукат, Душко**

Истеъмол учун кунгабоқар дурагайлари: **Левиатан, Гарави**

Рапс дурагайлари: **Йована, Ясна**

КУНГАБОҚАР ДУРАГАЙЛАРИ

ЭРТАПИШАР ДУРАГАЙЛАР ГРУППАСИ

ДУКАТ

Юкори хосил потенциали

Юкори мой микдори

* Эртапишар дурагай
* Вегетация даври 70 - 80 кун
* Оптимал агроэкологик шароитларда ўсимликнинг баландлиги 150 см
* Хосилдорлигининг генетик потенциали 47 ц/га дан ортиқ
* Таркибидаги мой миқдори 46-48 %
* А, Б, С, Д ва Е турдаги инфекциялар, занг (*Puccinia helianthi*) ва кунгабоқар парвонасига (*Homoeosoma nebulella*) генетик чидамли
* Фомопсисга (*Phomopsis*) фомозга (*Phoma*), оқ чиришга (*Sclerotinia sclerotiorum*) – сават касалликлари, хамда барг ва поя чиришини чақирувчи касалликларга жуда чидамли
* Тавсия этиладиган ўсимликлар зичлиги 55.000-60.000 ўсимлик/га

ЎРТА-ЭРТАПИШАР ДУРАГАЙЛАР ГРУППАСИ

ДУШКО

Юкори хосил потенциали

Юкори мой микдори

* Ўрта-эртапишар дурагай
* Вегетация даври 90 кун
* Оптимал агроэкологик шароитларда ўсимликнинг баландлиги 160-180 см
* Хосилдорлигининг генетик потенциали 50 ц/га дан ортиқ
* Таркибидаги мой миқдори 48-50 %
* А, Б, С, Д ва Е турдаги инфекциялар, занг (*Puccinia helianthi*) ва кунгабоқар парвонасига (*Homoeosoma nebulella*) генетик чидамли
* Фомопсисга (*Phomopsis*) фомозга (*Phoma*), оқ чиришга (*Sclerotinia sclerotiorum*) – сават касалликлари, хамда барг ва поя чиришини чақирувчи касалликларга жуда чидамли
* Тавсия этиладиган ўсимликлар зичлиги 50.000-55.000 ўсимлик/га

Юкори хосил потенциали

Қурғоқчилик ва иссиққа чидамли

Мой олиш учун

КУНГАБОҚАР

КУНГАБОҚАР

Юқори хосил потенциали

Қурғоқчилик ва иссиққа чидамли

Истеъмол учун

ЛЕВИАТАН

Юқори хосил потенциали

Истеъмол учун

* Истеъмол учун мўлжалланган ўрта кечпишар кунгабоқар уруги
* Вегетация даври 115 -120 кун
* Хосилдорлигининг генетик потенциали 60 ц/га дан ортиқ
* Уруғи йирик, харидоргир. 1000 донасининг оғирлиги 120-140 грамм.
* Таркибидаги ёғ миқдори 35% дан кам
* Таркибидаги протеин миқдори 27%
* Пўчоқ нисбати кам, осон чақилади.
* Турли шароитлар ва тупроқларга яхши мослашувчан
* Нектар ва гул чангини кўп ишлаб чиқаргани учун чанглантирувчиларни ўзига яхши жалб этади.
* Тавсия этиладиган экин зичлиги 35.000-42.000 ўсимлик/га

ГАРАВИ

Юқори хосил потенциали

Истеъмол учун

* Истеъмол учун мўлжалланган эртапишар кунгабоқар уруги
* Вегетация даври 110 - 115 кун
* Хосилдорлигининг генетик потенциали 55 ц/га дан ортиқ
* Уруғи қора рангда. 1000 донасининг оғирлиги 95-110 грамм.
* Таркибидаги ёғ миқдори 40% дан кам
* Таркибидаги протеин миқдори 26%
* Пўчоқ нисбати жуда кам, осон чақилади.
* Кунгабоқар парвонаси, занг ва бошқа касалликларга чидамлилиги юқори.
* Нектар ва гул чангини кўп ишлаб чиқаргани учун чанглантирувчиларни ўзига яхши жалб этади.
* Зичлиги 35.000-42.000 ўсимлик/га

ЙОВАНА

Истеъмол учун яроқли

Касалликларга чидамли

Биоёкилги учун

* «00» группага мансуб баҳорги рапс нави.
* Донлари жуда йирик. 1000 дона уруғ массаси 3,8 г.
* Вегетация даври 102 кунни ташкил этади.
* Дон хосилдорлигининг генетик потенциали юқори, 2,6 т/га. дан ортиқ.
* Донлари таркибидаги мой миқдори 45%.
* Мойи инсон истеъмоли, қайта ишлаш ва биодизель ишлаб чиқариш учун яроқли.
* Қолдиқларини уй хайвонларига озуқа сифатида фойдаланиш мумкин.
* Нав органик етиштириш талабларига мос келади.

ЯСНА

Истеъмол учун яроқли

Касалликларга чидамли

Биоёкилги учун

* Кузги «00» группага мансуб, таркибида эрука кислотаси ва глюкозинолат моддаси кам бўлган рапс нави.
* Донлари йирик. 1000 донаси 3,4 г.
* Вегетация даври 280 кун.
* Дон хосилдорлигининг генетик потенциали юқори, 5 т/га. дан ортиқ.
* Донлари таркибидаги мой миқдори 44%.
* Мойи инсон истеъмоли, қайта ишлаш ва биодизель ишлаб чиқариш учун яроқли.
* Қолдиқларини уй хайвонларига озуқа сифатида фойдаланиш мумкин.
* Нав органик етиштириш талабларига тўлиқ мос келади.

Юкори хосил потенциали

Қурғоқчилик ва иссиққа чидамли

РАПС

СОЯ ВА ХАШАКИ ГОРОХ

Соя нав группаси:

000 – Фаворит.

I – Виктория

Хашаки горох:

NS Мороз

NS Космо

ФАВОРИТ

* Нав группаси: 000
* Сербия селекциясига мансуб эртапишар нав, униб чиққандан то физиологик етилишигача 70-80 кун
* Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган.
* Потенциал хосилдорлиги 42 ц/га етади
* Таркибидаги оқсил миқдори 40-42 % атрофида
* Ётиб қолиш ва дуккаги очилиб кетишга аъло даражада чидамли.
* Асосий касалликларга юқори даражада чидамли (склеротиниозга)
* Поясининг баландлиги: 60-80 см атрофида
* Гулларининг ранги: бинафшаранг
* Тукларининг ранги: сарғиш-жигарранг
* Донларининг ранги: сариқ
* Холининг ранги: сариқ
* 1000 дона донининг массаси: 170-190 г. атрофида
* Экиш даври: апрель, май, июнь, июль ойлари
* Экиш зичлиги: 550.000 дона уруғ/га.
* Уруғларни инокуляция килиш тавсия этилади

ВИКТОРИЯ

* Нав группаси: I
* Сербия селекциясига мансуб эртапишар нав, униб чиққандан то физиологик етилишигача 110-120 кун
* Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган.
* Потенциал хосилдорлиги 60 ц/га дан юқори
* Хосилдорлиги барқарор
* Таркибидаги оқсил миқдори 40-42 % атрофида
* Ётиб қолиш ва дуккаги очилиб кетишга аъло даражада чидамли.
* Асосий касалликларга юқори даражада чидамли (склеротиниозга)
* Поясининг баландлиги: 100-120 см атрофида
* Тукларининг ранги: оқиш-кулранг
* Донларининг ранги: сариқ
* Холининг ранги: сариқ
* 1000 дона донининг массаси: 180 г. атрофида
* Экиш даври: апрель, май ойлари
* Экиш зичлиги: 450.000 дона уруғ/га.
* Уруғларни инокуляция қилиш тавсия этилади

Турли шароитларга мослашувчан

Интенсив усулда етиштириш-га мос

Таркибида оқсил моддаси кўп

Мой миқдори юкори

www.zea.uz

СОЯ

Турли шароитларга мослашувчан

Интенсив усулда етиштиришга мос

Таркибида оқсил моддаси кўп

ГОРОХ

NS МОРОЗ

* Кузги протеинга бой, дон учун хашаки горох
* Паст хароратларга чидамлилиги ва сифати аъло даражада
* Хосилдорлик потенциали 4.5-6 т/га, қурғоқчиликка чидамли
* Горохнинг «Мороз» нави алмашлаб экишда қўлланилишни талаб этади, ушбу ўсимликдан монокультурада фойдаланиш тўғри келмайди.
* Бу горохни бир марта экилган жойга 3 йилдан кейин экиш керак, сабаби ердаги азот миқдорини жуда ошириб юборади. Донли экинлар, маккажўхори, кунгабоқар каби азотга талабчан экинлар горохнинг яхши ўтмишдош экинлари хисобланади.
* Ўсимликнинг бўйи 60-80 см, чирмашиб ўсгани учун қўшимча шохлар чиқариб, бундан хам баланд бўлиши мумкин.
* Горохни экиш пайти 20.09-10.10.
* Уруғлик сарфи 200 кг/га.
* Ўсимлик гулининг ранги оқ рангда.
* Уруғдони оч яшил тусда.
* НС МОРОЗ совуқ хароратларга жуда чидамли. Бир пайтда пишиб етилиши, ётиб қолишга чидамлилиги ва сифати, стабил юқори хосилдорликка эгалиги билан ажралиб туради.

NS КОСМО

* Кузги, яшил масса учун хашаки горох
* Паст ҳароратларга чидамлилиги ва сифати аъло даражада
* Ушбу нав яшил масса, пичан, силос олиш учун мўлжалланган бўлиб, сули билан биргаликда экилганда 19% оқсилга эга 60 т/га яшил масса ва 8-11 т/га пичан олинади, қурғоқчиликка чидамли
* Паст хароратларга чидамли
* Кўпчилик экинлар учун яхши ўтмишдош экин, чорва учун сифатли озуқа, якка ўзини ёки бошоқли экинлар билан биргаликда экиш мумкин.
* Боғ ва узумзорларда яшил ўғит сифатида экилиши мумкин.
* Ўсимлик бўйи 150-180 см
* Таркибидаги қуруқ модда миқдори юқорилиги билан ажралиб туради.

www.zea.uz

БОШОҚЛИ ЭКИНЛАР

Буғдой - NS 40S

Жавдар - NS SAVO

Тритикале - NS Odisej

Спельта - Nirvana

Сули - NS Jadar

Арпа - Нониус, NS 565

БОШОҚЛИ ЭКИНЛАР

Паст кароратларга чидамли

Ётиб колишга чидамли

Касалликларга жуда чидамли

NS 40S
(буғдой)

* Кузги буғдой
* Қиш шароитларига чидамлилиги юқори
* Ўрта эртапишар нав
* Ётиб қолишга чидамли
* Қурғоқчиликка чидамли
* Барг занги ва бошқа касалликларга чидамли
* Гектолитр массаси 78-82 кг атрофида
* Таркибидаги оқсил миқдори 13%
* Сифат класси В1-В2
* Чўкиш тезлиги 300 сек
* 1000 дона уруғ оғирлиги 42-47гр
* Навнинг хосил потенциали жуда юқори. Яхши агротехник шароитларда 100 ц/га дан ортиқ хосил олиш мумкин бўлади.

NIRVANA
(спелта)

* Кузги спелта
* Triticum spelta
* Совуқ шароитларга чидамлилиги юқори
* Кечпишар спельта нави
* Пўстлоқли дон
* Гектолитр массаси 75-78 кг атрофида
* 1000 дона уруғ оғирлиги 41гр
* Таркибидаги оқсил миқдори 15% атрофида
* Хосилдорлигининг генетик потенциали 7 т/га
* Буғдойнинг ушбу нави оддий буғдойга қараганда тез хазм бўлувчи ва аминокислоталарга бой махсус органик нон махсулотлари тайёрлашда ишлатилади.

NS SAVO
(жавдар)

* Кузги жавдар
* Ўрта-эртапишар нав
* Ўсимлик баландлиги 145-160 см
* Гектолитр массаси 75 кг атрофида
* 1000 дона уруғ оғирлиги 28 грамм
* Таркибидаги оқсил миқдори 10% атрофида
* Нав паст хароратларга, ётиб қолишга ва касалликларга чидамли
* Хосилдорлигининг генетик потенциали 100 ц/га. дан юқори
* Бошқа донли экинларга нисбатан яровизация даврининг узунлиги сабабли, жавдарни эртароқ экиш тавсия этилади. 20.09-05.10 атрофида. Экиш қалинлиги 500-550 дона / 1 м.кв.

NS JADAR
(сули)

* Кузги сули
* Ўрта-эртапишар нав
* Касалликларга чидамлилиги юқори
* 1000 дона уруғ оғирлиги 29 грамм
* Гектолитр массаси 56 кг
* Таркибидаги оқсил миқдори 13-15%
* Таркибидаги ёғ миқдори 6-7%
* Хосилдорлигининг генетик потенциали 60 ц/га. дан юқори
* Турли шароитларга жуда яхши мослашувчан нав. Горох ёки вика билан, ёки фақат ўзини экиш мумкин

Паст хароратларга чидамли

Ётиб қолишга чидамли

Касалликларга жуда чидамли

БОШОҚЛИ ЭКИНЛАР

www.zea.uz

Паст хароратлар-га чидамли

Ётиб колишга чидамли

Касалликларга жуда чидамли

БОШОҚЛИ ЭКИНЛАР

NONIUS
(арпа)

* Кузги олти қиррали арпа
* Ўрта-эртапишар нав
* Паст хароратларга чидамли
* Ётиб қолишга чидамли
* Касалликларга чидамлилиги юкори
* Таркибидаги оқсил микдори 13% дан юқори
* 1000 дона уруғ оғирлиги 47 грамм атрофида
* Гектолитр массаси 76-78 кг
* Нав фақат чорвага озуқа сифатида ишлатиш учун хамда барча типдаги тупроқларда экишга тавсия қилинади.
* Навнинг хосил потенциали 90 ц/га дан ортиқ.



Новосадски 565
(арпа)

* Кузги икки қиррали пиво арпаси
* Ўрта-эртапишар нав
* Совуққа чидамли
* Қурғоқчиликка, ётиб қолишга чидамли.
* 74 кг гектолитр
* 1000 дона уруғ вазни 47 гр.
* Таркибидаги протеин миқдори 10-11,5%.
* Қуруқ моддалар - 80%.
* Хосилдорлигининг генетик потенциали юқори. Керакли озуқалар ва сув билан таъминланганда 80 ц/га дан ортиқ хосил беради.

NS ODISEJ
(тритикале)

* Кузги тритикале. Ўрта-эртапишар нав
* Совуққа чидамлилиги юқори
* Касалликларга чидамлилиги юқори
* 1 класс дон улуши 95% ташкил қилади
* Гектолитр массаси 75-79 кг атрофида
* 1000 дона уруғ оғирлиги 47 грамм атрофида
* Таркибидаги оқсил миқдори 12-14%
* Хосилдорлигининг генетик потенциали 100 ц/га. дан юқори
* Нав турли йўналишларда фойдаланиш учун мўлжалланган, (яйлов, силос, дон учун), биоэтанол олиш учун хом-ашё, пиво саноатида солод тайёрлаш учун хамда буғдой билан биргаликда нон тайёрлашда ишлатиш мумкин



Паст хароратлар-га чидамли

Ётиб колишга чидамли

Касалликларга жуда чидамли

БОШОҚЛИ ЭКИНЛАР

ҚАНД ВА ХАШАКИ ЛАВЛАГИ



ЦЕНТАВР

(хашаки лавлаги)

Ушбу нав нимширин типдаги лавлаги булиб, вегетация даври 150-1 60 кун. Йирик илдизмеваларнинг узига хос хусусияти шундан иборатки, уларда ёнламасига шохланиш булмайди. Илдизмевалар шакли чузинчок-овал шаклда булиб, асосий кисми ердан баландда усгани учун тупрок билан ифлосланмайди. Гуллаш ва церкоспориозга чидамли. Бу навни деярли барча шароитда муваффакиятли етиштириш мумкин.
Центавр тупрок таркиби ва сувга талабчан эмас. Илдизмеваси ва барглари жадал усади. Тайёр махсулотини эса, салкин омборларда май-июн ойларигача саклаш мумкин. Бунда махсулот массаси деярли камаймайди. Навнинг яна бир ижобий хусусияти, илдизмевасининг ер устидаги кисми 60% ни ташкил килиб, бу хосилни механизмларсиз, кул мехнати ёрдамида йиғиштириб олиш имконини беришидадир. Таркибидаги курук моддалар миқдори буйича (16-17%) дунёдаги энг яхши навлар сирасига киради. Таркибидаги канд моддаси - 7-8%
Илдизмевасининг хосилдорлиги -1000-1500 ц/га

РЕКОРД ПОЛИ

(хашаки лавлаги)

Кўпуруғли ўртапишар хашаки лавлаги нави. Вегетация даври 115-125 кунни ташкил қилади.
Цилиндр шаклидаги йирик илдизмевалари ер остига қисман ботиқ ҳолда ўсади. Қўлда йиғиштириш учун қулай. Силлиқ илдизмеваси пўстининг ранги қизилдан (илдизнинг паст қисми) пуштиранггача (ер сатҳидан то барггача қисми) ўзгариб боради. Барглари тик, бироз ёйиқ ўсади, этининг ранги нимпушти тусда. Ҳосилдорлиги 1000-1500 ц/га. Нав озиқлантиришга ижобий натижа кўрсатади, касалликлар ва гуллашга чидамли сақланиши яхши. Серунум ерларда яхши натижалар кўрсатади.

НОВЕЛЛА F1

(қанд лавлаги)

Илдизмевасининг серхосиллиги ва таркибида шакарнинг кўплиги билан ажралиб турадиган қанд лавлагининг Новелла дурагай уруғи.
Шароитга мослашиши яхши, қурғоқчиликка чидамли, хосилдорлик бўйича ажойиб натижаларга ега дурагай. Церкоспориоз ва лавлагининг бошқа кўпгина касалликларга чидамлилиги юкори.
Ўсимликлар сони 80 000-100 000 дона бўлганда юқори хосилдорликка эришиладию.
Илдизмевасининг хосилдорлиги - 780-800 ц/га
Таркибидаги қанд моддаси - 15-17%
Шакар хосили - 130-140ц/га
Вегетация даври 140-160 кун

Аъло сифат

ОЗУҚА ЭКИНЛАРИ

ОЗУҚА ЭКИНЛАРИ

Турли шароитларга мослашувчан

Интенсив усулда етиштиришга мос

Таркибида озука моддалар юкори

NS ДЖИН
(сорго, кўк масса учун)

NS DJIN - Чорва озуқасига мўлжалланган, жўхори дурагайи ва судан ўти билан чатиштирилган сорго нави. Таркибида шакар миқдори 42 %, клетчатка 42 %. Сувсизликка чидамли.

Хосилдорлиги – кўк массаси 80-100 тонна/га. Бир йилда 3-4 марта ўрилади.

Биринчи ўрим униб чиққандан сўнг 50 кундан кейин, навбатдаги ўримлар эса хар 30-35 кунда амалга оширилади.

Бўйи 3,5-4 метр атрофида.
Таркибидаги озукавий қиймати бўйича маккажўхори таркиби билан бир даражада.
Экиш нормаси 20-30 кг/га.

ALBA F1
(сорго, дон учун)

Дурагай тавсифи: оқ донли сорго дурагайи, ўсимлик бўйи 140-160 см. Вегетация даври 130 кун. Ушбу дурагайнинг эътиборга лойиқ томони, пишиб етилганда ҳам донларининг тўкилиб кетмаслигидир. Дон ҳосилдорлиги тажрибаларда доимий тарзда 15 т/га етади. Ишлаб чиқариш жараёнида эса 6-8 т/га ҳосилдорликни мўлжаллаш мақсадга мувофиқ. Дони таркибида, маккажўхорига нисбатан кўпроқ оқсил (12%), камроқ крахмал (72%) сақлайди. Бошқа кимёвий кўрсаткичлари ва қўлланилиш кўрсаткичлари бўйича маккажўхори донидан фарқ қилмайди. Етиштириш жараёнида маккажўхорига нисбатан суғоришни анча кам талаб этади. Сорғонинг қурғоқчиликка чидамлилигини маккажўхори билан солиштириладиган бўлса - агар қурғоқчил даштли ҳудудларда маккажўхорида 1,0-1,2 т/га ҳосилдорликка эришилса, сорғода бу кўрсаткич 4,0-4,5 т/га етади. Экиш чуқурлиги 3-4 см, уруғ сарфи 140-180 минг дона/га.

Аъло сифат

Юқори ҳосилдорлик

Қурғоқчиликка чидамли

СИЛОКИНГ

(озуқабоп сорго)

Тавсифи:
Юқори ҳосилдорликка эга, баланд бўйли силос ва хашакбоп сорго дурагайи. Иқтисодий зарар келтирувчи зараркунанда ва касалликларга чидамли. Ўсимлик пояси вегетация давригинг охиригача яшил ҳолатда сақланади ҳамда силос, сенаж ва биогаз тайёрлашда аъло даражадаги ҳом-ашё хисобланади. Қурғоқчиликка чидамлилиги юқори. Ўсимликни, ер юзасидан 10 см қолдириб ўриш лозим.

Турли шароитларга мослашувчан

Интенсив усулда етиштиришга мос

Таркибида озуқа моддалар юқори

Паст ҳароратларга аъло чидамлилик

Аъло сифат

Юқори ҳосилдорлик

Қурғоқчиликка чидамли

БАНАТ ВС

(беда)

БЕДА НАВИ ТАВСИФИ
Ишлаб чиқариш шароитларида юқори яшил масса (85-100 т/га) ва пичан (18-20 т/га) ҳосилдорлигига эга, интенсив фойдаланишга мослаштирилган, сифат кўрсаткичлари баланд (пичанида 21% оқсил) бўлган беда нави.
Қурғоқчилик, паст ҳарорат ва ётиб қолишга чидамлилиги юқори.
Тез униб чиқади, ўримдан кейин жадал ривожланади. Енгил ва ўрта оғирликдаги тупроқларда яхши натижаларни кўрсатади.

ОЗУҚА ЭКИНЛАРИ

ОЗУҚА ЭКИНЛАРИ

Турли шароитларга мослашувчан

Интенсив усулда етиштиришга мос

Таркибида озуқа моддалар юкори

EMILIANA
(беда уруғи)

Emiliana. Италия давлатида кенг тарқалган беда нави, Европа Иттифоқида рўйхатга олинган. Дунё давлатларида кенг майдонларда экилади. Гуллаш даврида ўсимлик бўйи 80-120 см га етади. Ўсимликдаги барг массаси 60 % ташкил этади.
Эксплуатация даври: 5-7 йил. Тез етилувчан нав - бир йилда, иқлим шароитига кўра 5-7 ўримни амалга ошириш мумкин. Бошка маҳаллий ва ғарбий Европа беда навларига қараганда ушбу нав илдизларининг узунлиги хисобига сувсизликка ва совуққа жуда чидамли.
Хосилдорлик потенциали - кўк массаси 100-120 т/га; қуруқ массаси: 25-30 т/га.
Гуллаш фазасида таркибидаги протеин 20%ни ташкил этади. Уруғлар азот тўпловчи ризобиум бактериялари билан капсулаланган.
1 га экиш нормаси 25 кг.
Экиш вақти: февраль, март, апрель, сентябрь, октябрь.
Экиш чуқурлиги: 1-2 см. Ўримга келиш вақти 25-27 кун.

GEA
(беда уруғи)

Gea. Совуқ қиш ва иссиқ ёз ойларига эга кескин континентал иқлим шароитига яхши мос келади. Қишдан сўнг жуда тез уйғонади. Gea агрессив ўриш режимларига мослаштирилган. Gea юқори даражада ҳазм бўладиган яхши балансга эга озуқа ишлаб чиқаради. Етиб қолишга чидамли, шу сабабли, ҳосилнинг нобуд бўлиши ҳам қисқаради, бу эса ўз навбатида юкори ҳосил олинишига олиб келади. Уруғлар азот тўпловчи Ризобиум бактериялари билан капсулаланган.
1 га экиш нормаси 25 кг.
Экиш вақти: февраль, март, апрель, сентябрь, октябрь.
Экиш чуқурлиги: 1-2 см.

Natural Power

МАККАЖЎХОРИДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

ЭКИН МАЙДОНИНИ ТАНЛАШ. Маккажўхори етиштириш учун энг мақбул майдонлар сирасига кучсиз кислотали, кучсиз ишқорли тупроқлар (рн 6,5-7 атрофида) ғовак, юқори аэрацияга эга (хаво ўтказувчан), намликни ўзида яхши сақлайдиган экин майдонлари киради. Бундай типдаги ерларга ўрта ва енгил лойли тупроклар, қора тупроқ (чернозем), ўтлоқли қоратупроқлар хамда бошқа турдаги хосилдор тупроқли ерлар мисол бўла олади. Ердаги гумус қатлами ҳамда макро ва микроэлементларга тўйинганлик даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Экин майдонидаги тупроқ таркиби, рн миқдори, NPK ва бошка элементларнинг миқдорини аниклаш учун йилда 1-2 марта тупрок таҳлилини ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тадбир орқали, ерга солинадиган минерал ўғитлар миқдорини тартибга солиш натижасида ўгитлар тежалиши сабабли хўжалик маблағларининг беҳуда сарфланишига барҳам бериш ва гибридлардан юкори хосил олиш имконияти яратилади.

ҲАРОРАТ. Маккажўхори уруғлари ернинг 10 см чукурлигидаги доимий харорат +10+12°С бўлганда экила бошланади. Экишнинг оптимал вақтидан 10 кун кечикиш кутилаётган хосилнинг 6-8 ц/га камайишига сабаб бўлиши мумкин. Уруғ унишидан то попук тўкилишгача булган даврдаги ўсиш ва ривожланиш учун оптимал харорат +20 +23°С хисобланади. Бу даврда хароратнинг +25 +30°С гача кўтарилиши маккажўх орига зарар қилмайди, аммо ўсимликнинг гуллаш даврида ҳароратнинг +30°С дан юқори бўлиши ўсимликнинг чангланиши учун салбий таъсир кўрсатади. Маккажўхорининг ўсишдан тўхташи учун максимал харорат +45 +47°С хисобланади.

ЭКИШ ЧУҚУРЛИГИ. Бу аввало тупроқнинг типи ва намлигига боғлиқ. Энг яхши тупроқли далаларда экиш чуқурлиги 6-7 см, намлик юқори, оғир таркибли ерларда 4-5 см ни ташкил килиши лозим. Агар экиш кечикса ва ер юзаси қуриб кола бошласа, уруғ намлик мавжуд бўлган чуқурликка экилиши керак. Енгил тупроқли ерларда уруғ чукурроқ экилади.

ЭКИН МАЙДОНИДАГИ ЎСИМЛИКЛАР СОНИ. Ўсимликларнинг экилиш зичлиги бўлғуси хосилни белгиловчи асосий омиллардан хисобланади. Ўсимликлар зичлиги гибриднинг тури, ернинг хосилдорлиги, суғориш тизимларининг холатига боглиқ. Хосилдор ва сувга бой майдонларда экинни зичроқ экиш керак. Нисбатан кучсиз ва сув танқис далаларда эса бунинг акси бўлиши лозим. Барча омилларни ҳисобга олган холда 1 гектар майдонда ўртакечпишар ва кечпишар гибридларни 45000-65000 та, эртапишар гибридларни эса 60000-80000 атрофида экишни тавсия киламиз. STAY GREEN технологияли уруғларни, (сўта сарғайиб пишганда хам поянинг яшил бўлиб туриши) янада зичроқ экиш мумкин. 1 гектар майдондаги экинлар сони қандай аниқланади ?

Бунинг учун ўсимликнинг 3-5 барг даврида 70 см. жўяк учун 14,28 м., 90 см. жўяк учун эса 11,60 м масофадаги соғлом ниҳоллар сони аниқланади. Масалан аниқланган кучат сони 55 дона бўлса, демак 1 га майдонда 55000 та кўчат борлиги маълум бўлади. Хисоб янада аниқроқ бўлиши учун майдоннинг бир неча жойида ушбу текширув ўтказилади.

ОЗУҚА ЭКИНЛАРИ

СУҒОРИШ ВА НАМЛИК. Маккажўхори вегетациясининг биринчи ярмида намликка нисбатан кам талабчан бўлади. 7-8 барглар хосил бўлгунича ўсимликда сувга мухтожлик деярли кузатилмайди. Усимлик учун сувни энг кўп истеъмол қиладиган даври попук отиш (выбрасывание метелки) дан 10 кун аввал, яъни, маккажўхори поясининг жадал ўсиш пайтида (бу фазада ўсимликнинг суткалик ўсиши 10-14 см. гача бўлади) бошланади. Бу фазада ўсимлик таркибида қуруқ моддалар тўплана бошлайди. Ушбу кескин даврга ўсимлик умумий сув истемолининг 50-70% тўғри келади. Попук тўкилишдан 20 кун ўтгандан кейин эса сувга бўлган эҳтиёж пасаяди. Бу даврда тупроқдаги намликнинг жуда юқори бўлиши маккажўхорига салбий тасир кўрсатиб, хосилдорликнинг пасайишига сабаб бўлади. Жудаям нам тупроқда кислород танқислиги вужудга келиб, илдизда фосфорнинг ўзлаштирилиши секинлашади, натижада эса, оқсил алмашинуви ёмонлашади. Умумий олганда, ўсимликни барглари буралиб қолгунича чанқатмаслик лозим. Суғоришни ташкил килишда тупроқ намлигини ўлчовчи асбоблардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

БЕГОНА ЎТЛАР. Маккажўхори ўсишининг бошланғич даврларида (9-10 барг хосил бўлгунича) бегона ўтларга қарши курашувчанлиги паст бўлади. 2-3 барг фазасида бегона ўтлар маккажўхори ривожланиши учун деярли тўсқинлик қилмайди. 3 баргдан то 8-9 барг чиқаргунча бўлган даврда эса далада бегона ўтларнинг бўлиши хосилнинг бирданига пасайиб кетишига сабаб бўлади. Ушбу даврда маккажўхорининг бегона ўтларга нисбатан таъсирчанлиги жуда юқори бўлади. Юкоридагилардан келиб чикиб ушбу фазада далада бегона ўтларнинг бўлишига йўл қўйилмаслиги керак.

МИНЕРАЛ ОЗИҚЛАНТИРИШ. 1 тонна дон хосил қилиш учун 24-32 кг азот, 10-14 кг фосфор, 25-35 кг калий, 6-10 кг магний ва калций, 3-4 кг олтингугурт, 11 гр бор, 14 гр мис, 110 гр марганец, 0.9 гр молибден, 85 гр цинк, 200 гр темир моддалари керак бўлади.

Умумий олганда, минерал ўғитларни илмий асосланган тарзда тўғри қўллаш гибрид маккажўхори хосилини мўл етиштиришда муҳим аҳамият касб этади. Унумдор ерларда юқори хосилдорлик, асосан, тупроқ заҳираларидаги озуқавий моддалар хисобига (70% атрофида), қолган 30% и эса солинадиган минерал ўғитлар хисобидан шаклланади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, тупроқнинг кимёвий таркибини билиш, хўжалик маблағларининг сезиларли даражада тежалишига, ҳамда маблағлардан оқилона фойдаланишга сабаб бўлади.

Маккажўхори хосилдорлиги асосан тупрокдаги азот микдорига боқлиқ (90-95%). Фосфор ва калийнинг таъсири эса бирмунча пастроқ хисобланади. Фосфор ва калий ўғитларини қўллашга қараганда азотли ўгитларни тўғри қўллаш бирмунча қийин вазифа. Экин майдонига солинадиган азот миқдори етиштирилаётган гибрид тури, режалаштирилаётган хосилдорлик, тупроқдаги мавжуд минерал азот микдорига чамбарчас боғлиқдир.

Бошқача қилиб айтганда, азотни қўллаш ҳар бир участка доирасида, турли хусусиятларни хисобга олган ҳолда режалаштирилиши лозим. Азотни оқилона қўллаш учун тупроқ анализидан ташқари, ўсимлик материалини хам таҳлил қилиш керак бўлади. Бир сўз билан айтганда, фосфор ва калий ерни озиқлантирса, азот билан ўсимлик озикланади. Тупрокнинг тегишли таҳлилларини ўтказишнинг иложи бўлмаганда, орттирилган тажрибаларимизга асосланган холда ўз тавсияларимизни ҳавола қилишимиз мумкин. 10 тонна/га. дан ортиқ дон ердан соф ҳолда 300 кг азот, 80-90 кг фосфор, 100-120 кг калий талаб қилади. Мавжуд азот ва фосфорнинг 70% ҳамда калийнинг 30% и дон хосил бўлишига сарфланади.

Энди озиклантиришни фазалар бўйича кўриб чиқсак. Ниҳоллар янги чиққан бошланғич даврда маккажўхори жуда секин ўсади. Бунга қўлланилган гербицидларнинг стрессли таъсири хам қўшимча бўлади. Ривожланиб келаётган илдиз тизимининг озуқа моддаларини ўзлаштириши хам анча паст бўлади. Экиш олдидан ёки экин вақтида ерга солинган озуқаларни ёш маккажўхори ниҳоллари ўзлаштириб олишга қурблари етмайди. Аммо бу фазада (ниҳолнинг униб чиқишидан то 7-9 барггача) озуқа элементлари танқислигининг ўрнини келажакда тўлдириб бўлмайди. Чунки айнан шу даврда поя банди, илдиз системаси хамда ўсимликнинг генератив органлари шакллана бошлайди. Айнан шу жараён бўлғуси хосилдорликни белгилаб беради. Шунинг учун бу фазада илдиздан ва барглардан комплекс озуқлантириш маккажўхори учун хаётий муҳим агроусул хисобланади. Ўсишнинг бошланғич фазаларида азотни ўзлаштириш анчагина паст (3-5%) даражада бўлади.

Азот ўсимликка 6-8 баргдан бошлаб жадал ўзлаштирилади. 8 барг фазасига қадар азот 2-3% миқдорида ўзлаштирилса, 8-баргдан то маккажўхори сўтасидаги попуклар қуришгача бўлган даврда умумий азотнинг 85% и ўзлаштирилади. Қолган 10-13% азот эса дон етилиш жараёнида ўзлаштирилади. Азот ўзлаштиришнинг энг чўққиси эса гуллаш фазасида содир бўлади.

Фосфорга бўлган кескин талаб эса ўсишнинг бошланғич фазасида юқори бўлади. Шуни эътиборга олиш керакки, бошланғич фазадаги фосфорга бўлган муҳтожлик ўрнини кейинги фазаларда фосфорли ўғит солиш билан тўлдириб бўлмайди. Маккажўхори нихҳолларининг нисбатан салқин хавода фосфорни ўзлаштириши қийинлигини хисобга олиб, осон ўзлаштирилувчи фосфорнинг шаклларидан фойдаланишни тавсия этилади (NPK).

Калий 5-6 барг фазасидан то гуллашгача бўлган даврда жадал ўзлаштирилади. Ушбу минерал поянинг йиқилишига чидамлилигини ошириб, поя чириши ва бошқа касалликлардан асрайди, хамда хосилнинг шаклланишидаги муҳим элемент хисобланади.

Маккажўхори ўсимлиги озиқланиш учун микро элементларни хам талаб қилади. Вегетация даврида улар 800 гр/га марганец, 350-400 гр/га цинк, 70 гр/га бор, 50-60 гр/га мис каби моддаларни талаб қилади. Ушбу ўсимлик цинк, темир марганец моддаларига жуда юқори талабчан хисобланади. Ўсимликларни микроэлементлар билан таъминлашнинг энг самарали усули - бу барг орқали озиқлантиришдир.

Стрессли холатларда (қурғоқчилик, паст ёки юқори ҳарорат) энг самарали усул ҳам барг орқали озиқлантириш хисобланади. Маккажўхори баргларига карбамиднинг 4% ли эритмасини (4 кг карбамид 100 литр сувга) эрта тонг ёки кечга яқин, ёҳуд булутли кунларда сепиш хам самарадорлиги юқори усуллардан биридир. Бундай сепишни 4-5 барг фазасидан бошлаб, 3 хафта мобайнида хар 6-8 кунда 1-2 маротаба сепиш керак. Ушбу тадбир азотнинг 90-95% ини қисқа муддатда ўзлаштирилишига сабаб бўлади. Барг орқали бериладиган карбамидни турли микроўғитлар билан биргаликда қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Бу тадбир пестицидлар пайдо қиладиган стрессли вазиятнинг олдини олиб, микроэлементларнинг яхши ўзлаштирилишига имконият яратади.

Турли шароитларга мослашувчан

Интенсив усулда етиштиришга мос

Таркибида озуқа моддалар юқори

ОЗУҚА ЭКИНЛАРИ



zea
Zamin Eko Agro

Тел: 97 130-51-21, 97 739-82-52, 97 461-11-12, 97 755-02-55, факс: 71 150-15-89
WWW.ZEA.UZ; E-MAIL: INFO@ZEA.UZ; t.me/agrozamin

Муваффақият уруғлари

zea

Озуқабоп экинлар уруғлари.

Уруғлар сертификатланган! 2020*йил*